

6-МАВЗУ: ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ

× Режа:

- × 1. Интерфаол таълим методлари моҳияти**
- × 2. Интерфаол таълим методлари турлари ва уларни таълим жараёнида қўллаш методикаси**

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

- ✘ **Интерфаол методлар** деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Фаол таълим МЕТОДЛАРИ

- × Муаммоли маъруза
- × Тўрт поғонали
- × Ақлий ҳужум
- × Кичик гуруҳларда ишлаш
- × Давра суҳбати
- × Баҳс-мунозара
- × Ролли ўйин
- × Ишбоп ўйин
- × Муаммоли вазият
- × Лойиҳа
- × Йўналтирувчи матн




"АҚЛИЙ ҲУЖУМ"

МЕТОДИ

"АҚЛИЙ ҲУЖУМ" методи-

бирор муаммо бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.



«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Муаммоли савол берилади

Фикр ва ғоялар билдирилади ва жамлаб борилади

Фикр ва ғоялар гуруҳланади

Аниқ ва тўғри жавоблар танлаб олинади

АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ ҚОИДАЛАРИ:

- ✘ Хеч бири узаро баҳоланмайди ёки танкид қилинмайди.
- ✘ Тавсия этилган фикрни (агарда улар фантастик ёки ақилга туғри келмайдиган бўлсада) баҳолашга шошилма – уларнинг ҳаммасига рухсат этилган.
- ✘ Танкид қилма – ҳамма билдирилган фикрлар узича ахамиятли.
- ✘ Фикр билдирувчини булма!
- ✘ Танкид қилишга шошилма!
- ✘ Мақсад сонининг куплиги!

АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ ҚОИДАЛАРИ:

- ✗ Мақсад сонининг куплиги!
- ✗ канчалик фикрлар купрок билдирилса, шунчалик яъхши: чунки бунда яхши, ахамиятли фикрлар, ғоялар пайдо булади.
- ✗ Агар фикрлар кайтарилса, ажабланма ва кизишма.
- ✗ «Авжга олиш» фикридан кайт! Узингда пайдо булган фикрдан воз кечма, хаттоки у сенинг фикрингча кабул килинган схемага мос келмаса хам.
- ✗ Бу муаммо факатгина таникли йуллар билан хал килинади деб уйлама.


"КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ" МЕТОДИ

"КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ" методи-

**таълим оловчиларни фаоллаштириш
мақсадида уларни кичик гуруҳларга
ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш
ёки топшириқни бажаришга қаратилган
дарсдаги ижодий иш.**



«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ



Кичик гуруҳлар билан ишлаш

Методни қўллаш босқичлари ва улар бўйича тавсиялар:

- ❖ Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
- ❖ Керакли асос яратилади. Талабалар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.
- ❖ Гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 5-7 кишидан бўлинишлари керак.
- ❖ Аниқ кўрсатмалар берилади.
- ❖ Талабалар фаолияти қўлаб-қувватлаб ва йўналтириб турилади.
- ❖ Яқиний тақдимотлар муҳокама қилинади.

“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ

“ИШБОП ЎЙИН” методи-

берилган топшириқга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.



«ИШБОП ЎЙИН»

МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан ўқувчилар таништирилади

Вазифалар тақсимланади

Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қиладилар

Ўйин амалга оширилади


Муҳокама, таҳлил қилиш ва баҳолаш

"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ"

МЕТОДИ

"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" методи–

таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.



«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Муаммоли вазият тавсифи берилади

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритадилар

Гуруҳлар муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар

Тўғри ечимлар танлаб олинади

“ДАВРА СУҲБАТИ” методи-

айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан ўқувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган методдир.



«ДАВРА СУҲБАТИ»

МЕТОДИНИНГ (ЁЗМА КЎРИНИШИ)

ТУЗИЛМАСИ

Суҳбатни ўтказиш шартлари билан таништириш

Конвертлар ва “Жавоблар варақалари”ни тарқатиш

Конвертга мавзу бўйича савол ёзиш

Конвертни ёнидаги ўқувчига узатиш

Саволга жавоб ёзиш

Таҳлил қилиш ва баҳолаш

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

“БАҲС -МУНОЗАРА” методи-

бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс-мунозара ва фикр алмашув тарзида ўтказиладиган методдир.



«БАҲС-МУНОЗАРА» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Муаммоли савол берилади

Турли фикрлар билдирилади

Фикр-мулоҳазалар тингланади

Фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинади

Аниқ ва мақбул ечим танлаб олинади

"ЛОЙИҲА"

МЕТОДИ

«ЛОЙИҲА» методи-

таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир.



«ЛОЙИҲА» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

